

БУНИ ХАЁТ ДЕЙДИЛАР...

ҲАЗИЛ ТАГИ ЗИЛ

-Хотинининг ўнг елкасида нўхатдек холи бор, тўғрими?
Қобилжон ичкилик кайфи билан дафъатан бу сўзининг маъносини унча тушунмади. Уқ бориб нишонга теккач эса...

У тўрт-беш кишилик даврани қандай тарк этгани, уйига қай ахволда етиб борганини билмайди. Миясида фақат биргина фикр урчқудек айланаверди: "Нахотки... Нахотки"
Эрини кўчадан бунчалик даргазаб ҳолда кириб келгани Холидани ҳам ҳайратга солди. Қобилжон кела солиб, хотинининг ёқасига чанг солди. Юпқа ҳарир кўйлақнинг ёқаси йигитнинг шиддатига доғ беролмади. Ҳеч нарсасга тушунолмади, донг қотиб турган хотинининг оппоқ бежирим елкасидаги қизғиш-қорамтир холга кўзи тушибди-ю (негадир авваллари эътибор бермаган эди), вуқуди музлаб кетди. Бир зум хотинини ошниси Хомид билан шармандалар ҳолатда кўз олдида келтирди-ю, беихтиёр кўли тоқчада турган пичоққа югурганини сезмай қолди...

Қобилжон телбалик жазавасидан халос бўлган пайтда шўрлик аёлининг жасади қоп-қора қонга беланиб улгурганди. Нодон эр бир кун аввал марҳум Холиди Хомиднинг хотини билан бирга ҳаммомга тушганини, номерд улфат ўша беҳосият холнинг таърифини хотинидан эшитганини, кейин қалтис ҳазил қилганини асло билмас эди...

Иқбол ХУМОЮН ХУМДОНДА ПИШГАН ОДАМ

Тўйбой ака гишт заводида 40 йил ишлаб, нафақага чиқди. Ўзимам гишдай пишиб кетган. Соғлиғидан нолиганини ҳеч қим эшитмаган. Қисқаси, у уйда ўтиролмади. Ота касби — чўпонликини ихтиёр этди. Олтимиш ёшида ўзининг йигирматача қўйини олдида солиб, чўлга отланди. Қўйи-қўйини, қариндош-уруғ ҳам беш-ўн тадан қўй-эчки қўйишди. Ҳадемай, чоғроқ отар бўлди. Қўраларда сиқилиб ётган қўйлар чўлда яйради. Этига-эт қўйишди.

Яқинда "Ўзган" қишлоғида бир тўйнинг устидан чиқдик. Тўйбой ака Қиличев аёли билан ўзининг 65 йиллиги, турмуш қурганликларининг 40 йиллигини нишонлаётган эканлар. Унинг фарзанд Қаҳрамонхонга шу кун келин ҳам туширибди. Олти келин. Тўрт кўвё. Тўйда қизик ҳол бўлди. Ун гапирсангиз бир гапирмайдиган Тўйбой ака тўй оқшомида қосагўлдан ўзи сўз сўради.

—Бу кунни узок вақтдан буён қутиб юривдим. Қаҳрамон кенжа фарзандим. Бугун унинг қараидан ҳам узилмаган. Эрта-индин чўпонлик тағини ҳам шунга бераман. Тўйбой аканинг тўйи тамом бўлди деб ўйланмаган. Келгуси йил янги набирамнинг бешик тўйига айтман. Бу ҳовлида тўй тутамайди. Хуш келиб-сизлар!

Тўйга келганлар қарсақ чалди. Давомли бўлди қарсақ. Чўпонга, аёлига қамзул-у чопонлар ёпилиди. Фарзандлар, қуёвлар, хешу ақраблар, қуда-андалар уларни сийлашди. Хушвоз хонандалар хониш бошладилар.

Тўйбой ака кампирининг олдида кўп ўтирмади. Келганларга "хуш келибсиз"ни тақор-тақор айтиб, давра айланиб юрди. Баъзиларнинг раъйини қайтармай у жойдан, бу жойдан жиндак-жиндак отди ҳам. Ичкилик таъсирини-сиртига чиқаргани йўқ. Тўйда "ўчиб" қолган битта-яримта ёшлар ҳалиям ундан уялиб юрптилар. Тўйбой ака ҳақиқий ҳит хумдонда пишган одамда! У билан беллашиб бўладими?!

Дилмурод ЖАББОР, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

САДОҚАТ

Фориш туманидаги "Чимкўрган" давлат хўжалигида бир танишим бор эди. Қувноқ табиати билан ҳар қандай одам билан бир қўришдаёқ дўстлашиб, қадрдон бўлиб кетарди.

Бир кун танишимнинг хўжалика раҳбар бўлганини эшитиб, қўллагани бордим. У отларга отланиб турган экан. "Эх, ука, келганинг яхши бўлди-да, - деди у. - Қани, ёнимга ўтир-чи, бир далаларни айланиб, кўклам ҳавосидан тўйиб қайтайлик".

ЎАЗИКда қум барханлари оша Айдаркўл томон кета бошладик. Унда-бунда қизикчон юморноқизиклар мўраласа, тепада бир нуқтада муаллақ бўзтўрғай қанотларини пирпиратади.

Танишим машинани тўхтатди. Мен унга эътибор бермай, атрофини томоша қиламан. Хўв нарида бир қўра қўй ўтлайди. Йўқ... яхшироқ қарасам, улар қўй эмас, турналар экан. Биринчи марта қўришим бу қўшларни бундай экандан.

Ногоҳон милтиқ ғумбурлаб, турналар осмонга кўтарилди. Фақат биттиси учолмади. Зум ўтмай, хўжалик раҳбари ўша турна ёнида пайдо бўлди. Боя унинг машинадан милтиқ олиб тушганини сезмаганимга ҳайрон бўлдим. Учиб кетаётган турналар томонга қарадим. Билмадим, туртинчини, бешинчи бўлиб кетаётган бир турна сафдан ажралиб, орқага қайтди. Бояги жой устида икки-уч бор айланди-да, қанотларини жуфтлиб, ерга шўнғиди. Машинадан тушиб, чопдим. Аввалиги турна қони томан жойда нигоҳларини кўкка қадаганга ўлиб ётарди. Унинг ёнига қўнган турна эса унга ханг-манг тикилиб турарди. Унинг кўзларидан ёш оқмоқда эди...

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ ҲАЗАБДАН КЕЛГАН ҚУЛҲАТ

Бу воқеага 30 йилдан ошди. Музработликлар уни ҳамон эслашди... Қаҳқор ака йиғилишдан жуда асабий чиқди. Қон босими ошгандан ошди.

Раҳбар "икки ямлаб бир ютабди". Айниқса, "Энди сиз билан ишлай олмаيمиз" дегани довертирлиб қўйди. Корхонасига қандай етиб келганини билмайди. Хонага кириб, ўриндиқга ўзини ташлади. Хузурига кирганларни роса "қитмасирилади". Бирги жим кетди, бири уэр сўради. Фақат биттаси... 70 ёшлардаги чол... "Ўзингнги босиб ол, болам, ғазабдан қулфат келади. Ҳаётинг иссиғига ҳам, совуғига ҳам чидаш керак" деди. Қаҳқор ака қотибага ўшқирди:

—Чеч қим қирмасин!! Чивини қам қўйма!!

Уйига бораганда ҳам ғазаби қайнарди. Овқат-ёёлмади. Гарангдай ўриндан турди. Машинаси томон юрди. 2 ёшлардан ошган ўғли эргашди. У орқасига қарамади. Машинага газ берди. Орқага юрди. Олдинга юрар-юрмас, юрагини сўнгсиз алам ва оғриқ чағаллади. Бу нима? Нега? Қайёқча бораёлган? Машинани тўхтатди. Беихтиёр орқага қаради. Хотини дахшатли киёфада қолиб келаяпти. Машинадан тушиб... кўрди... Ўғли ер билан битта бўлиб ётибди... Қаҳқор ака ҳамон ўзини кечиролмайди... Ўғлининг қабрига бориб йиғлайди...

Менгнор Олломурадов

ЯХШИ ХАБАРЛАР

ХАЙРИЯ

Жиззах вилоят хотин-қизлар қўмитаси "Ассалом, Янги аср!" хайрия марафони ўтказишга жиддий ҳозирлик қўймоқда. Бу тадбир ўтган йилги "Асрдан асрга" хайрия тадбирининг мантиқий давоми бўлади.


Дарвоқе, ўтган йилги маъмур марафон жамғаримасига 1 миллион сўмдан зиёд маблағ тушиб, унинг ҳаммаси кекса ва ёлғиз оналарга, болалардан ногирон хотин-қизларга, шунингдек, боқувчисини йўқотган оналарга ёрдам сифатида тарқатилган эди.

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Жиззах шаҳридаги А.Навоий номи ўрта мактабни бундан 45 йил аввал битирган собиқ ўқувчилар яна ўзaro дийдорлашув баҳонасида яқинда қадрдон илм масканларига таъширф буюришди.

Улар мактаб ахлига собиқ синфдошларномидан Навоий асарларининг ноёб нусхалари, рангбаранг суратлар, қаҳрамонларнинг ганчдан ясалган сиймолари ва бобокалонимиз асарларининг тақвимономасидан иборат қизиқарли қўғрағмалар тақдим этишди. Учрашув давомида улар шoir ғазалларидан намуналар ўқиди, саҳна асарларидан парчалар намойиш этишди.

Келди ДўСТБЕК



Нарпай тумани машина-трактор паркида янги мавсум деҳқончилигига пухта тайёргарлик қўриломоқда. Шу мақсадда мавжуд техникалар барвақт сифатли таъмирдан чиқарилади.

СУРАТДА: уста чилангарлар И. Иброҳимов, Н. Ғиёсов ва О. Суяровлар иш устида.

Б. АҚРАМОВ олган сурат.

ЛУҚМА

Шаҳарларда ишдан кейин ёки дам олиш кунлари маданий ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган турли кўнгилочар масканлар мавжуд. Вақтингиз, имкониятингиз етарли бўлса, истаганингизча роҳатланишингиз мумкин.

БИЛЛИАРДХОНАМИ, ҚИМОРХОНА?

Аммо, қишлоқ аҳолисининг бу масалада имкониятлари анча чегараланган. Айниқса, ёшларга қийин. Ишдан кейин қаерга бориб, вақтларини хушқуд ўтказишларини билмайди. Олдинлари қишлоқлардаги маданият уйлари ва клубларда кино, концерт ва бошқа тадбирлар бўлиб турарди. Лекин, кейинги вақтда мутасадди ташкилотлар қишлоқ ёшларига маданий хизмат кўрсатишни унутиб қўйдилар, чоғи.

Бундай ҳолатдан эса баъзи "така бўлсин, сут берсин" қабилида иш юритувчи тадбиркорлар усталик билан фойдаланмоқдалар. Яъни, улар ўша хувилаб ётган маданий дам олиш масканларини ижарага олишиб, биллиардхона очмоқдалар. Клуби йўқ қишлоқларда эса хонадонларда шундай ўйингоҳларни ташкил қилиб, ёшларни жалб қилмоқдалар.

Ҳўш, нима бўлибди, дерсиз? Ахир биллиард ўйини ҳам спортнинг бир тури-ку? Лекин, коса тагида нимкоса борлигини унутмайлик. Авваламбор, биллиардхонага кириш учун 200 сўм ҳақ тўлашингиз керак. Ўйин ҳам фақат пул тикиб ўйналади. Яъни, биллиард ўйини ҳам қиморнинг бир турига айлантирилган. Қолаверса, ҳар бир биллиардхонада спиртли ичимликлар сотиладиган бар мавжуд.

Биллиард-қиморда ютган ғалабасини нишонлаб ичса, ютқазган қарзга олиб бўлса ҳам, аламиндан ичади. Сархушлик бор жойда эса турли кўнгилсизликлар бўлиши турган гап.

Мамлакатимизда ёшларга жуда катта эътибор берилмаётган. Шундай экан, нега ёшларимиз учун қишлоқларда кўнгилдигидек дам олиш масканларини яратмаймиз? Уларнинг "жилов" ини фақат ўз манфаатини ўйлаган кимсалар ихтиёрига бериб қўямиз? Бу масалани ижобий ҳал этиш фурсати келмадимикин?! Сиз бунга нима дейсиз, азиз муштарий?

Абдураззоқ КАРИМОВ

ҲИНДИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖўНАТИЛДИ

Ҳиндистон Республикасининг Гужарат штатида шу йилнинг 26 январ кун кучли зилзила рўй берди. Дунё ахли сўнгги 50 йил мобайнида оқибат кўлами жиҳатидан бундай катта табиий офатни кўрмаган эди. Ҳалок бўлганлар, жабрланган ва бошпанасиз қолганлар ўн минглаб кишини ташкил этмоқда. Айни пайтда бизга дўст давлат - Ҳиндистон халқи улкан маънавий ва моддий йўқотишларини бошдан кечирапти. Вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларда чодирлар, дори-дармон, ичимлик суви ва озиқ-овқат етиштирилди.

Ўзбекистон ахли ушбу муҳиди зилзила

ва инсонлар ҳалокати ҳақидаги хабарни чуқур ҳамдардлик билан қабул қилди. Президент Ислам Каримов халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг оила-аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирди.

Дўст қулфатда билинади, деб бежиз айтилмаган. Ҳукуматимиз 1 феврал кун Ҳиндистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратishi тўғрисида махсус фармойиш чиқарди. Жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдами жабрланганларга биринчи навбатда зарур бўладиган чодирлар, замбиллар, кўрпа-тўшак, ётоқ анжомлари, турли матолар, бир ма-

ротаба ишлатиладиган система ва шприцлар, энг зарур дори-дармон, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат. Ҳалокат рўй берган ҳудудда ичимлик суви ниҳоятда танқис бўлиб турганлиги ҳисобга олиниб, 5 тоннадан ортиқ қадоқланган маъданли булоқ суви ҳам жўнатилади. Ҳиндистонга жўнатиладиган юкнинг асосий қисми - озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарур анжомлар Ўзбекистоннинг ўзидан тайёрланган.

Инсонпарварлик ёрдами 2 феврал кун Ҳиндистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари томонидан Гужарат штатининг Ахмадод шаҳри аэропортига етказилди.

- Ҳукуматимиз ва халқимиз Ўзбекистонни ҳар доим ўзига дўст бил-

ган, - деди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра

Тошкент аэропортида инсонпарлик ёрдами жўнатишга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. - Мамлакатимизда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф қилишда ҳукуматининг кўрсатилган ёрдам ана шу азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканини яна бир бор исбот этди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислам Каримов ва халқингиздан бизга кўрсатилган беғараз ёрдам ва ҳамдардлик учун беҳад миннатдоримиз.

(ЎЗА)

САХОВАТ

Тошкент аэропортида инсонпарлик ёрдами жўнатишга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. - Мамлакатимизда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф қилишда ҳукуматининг кўрсатилган ёрдам ана шу азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканини яна бир бор исбот этди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислам Каримов ва халқингиздан бизга кўрсатилган беғараз ёрдам ва ҳамдардлик учун беҳад миннатдоримиз.

(ЎЗА)

ТАДБИРКОРЛИК

Нурота шаҳрида бир кўча бор. Унга Мардон Раҳимов номи берилган. М.Раҳимов иккинчи жаҳон урушида оғир жароҳат олиб, она юртига қайтган, эл хизматига бел боғлади.

Файзулла Ҳўжаев, Навоий номи жамоа хўжаликларида ишлади, халқ мулкчини кўз

ўз жамғарамдан уруш қатнашчиларидан 300 кишига дастурхон ёзиб, ош бердим. Отамнинг дўстларига 300 дона қўйлақ совға қилдим.

Ўралбой Раҳимов эзгу ишларини давом эттириб келмоқда. Шаҳардаги 18-ўрта мактабнинг таъмирла-ниши учун юз килограмм

ЭЛИНИ ЎЙЛАГАН ЎРАЛБОЙ

қорачиғида асради. У бундан уч йил муқаддам 83 ёшида бандаликни бажо келтирди. Фарзандлари турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда. Кенжа ўғли Ўралбой Раҳимов ҳарбий хизматдан қайтган, шофёрлик ва ошпазлик қилди. Тақси ҳайдаб одамлар мушқулини осонлаштирди.

—Отам, - дейди Ўралбой, - сўнгги давлариди мени ёнларига ўтказибди:

"Болам, одамларга яхшилик қил. Қуролдон дўстларимга дастурхон ёзиб, бир пиёла чойга тақлиф эт. Биламан, бу иш сенинг қўлингдан келади. Ногиронларга муруватли бўл", - дердилар. Президентимиз 1999 йилда 9 Майни "Хотира ва Қадрлаш" кунини деб эълон қилди.

Бу халқ дилидаги ният эди. Шу муносабат билан

бўёқ, дераза учун ойналар олиб берди. Кам даромадли беш оилага моддий ёрдам кўрсатди. Мардон Раҳимов кўчасидаги 500 метрлик йўл қишда лой, ёзда чанг эди. Ўралбой уни асфальтлаб беришни ўз зиммасига олиб, кум-шағал тўктирди.

Ўралбой Раҳимов асли касби ошпаз бўлгани учун бу соҳада кўп хайрли ишларга қўл уриб, янги расталар бунёд этди. Ун нафар ёшларга иш жойи яратди. Бу ерда сифатли, анча арзон маҳсулотлар сотилапти. "Мардон бобо" хусусий тижорат дўкони хизматидан миҳозлар хурсанд. Эзгулик этагидан тутиб, одамларга хизмат ва саховат кўрсатишни ният қилган Ўралбойдан эл мамнун.

**Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

ЎЗТИРОФ БАХТИ КУЛГАН ХАЛҚМИЗ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қисқа даврда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Мен шу мамлакатнинг фуқароси бўлганлигимдан ниҳоятда фахрланаман.

Мен бир оддий деҳқон фарзандиман. XX асрда нималарга эришганлигимизнинг шохиди бўлиб турибмиз. Аллоҳга минг марта шукроналар бўлсинки, 2000 йил март ойида Ҳаж зиёратига боришга муяссар бўлдим.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси қаби бундай ғамхўрлик, эътибор менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирди. 6 нафар фарзандимнинг ҳаммасини олийгоҳларда ўқитдим. Ҳозир улар

турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. 20 нафар неварам борлигидан гурурланиб юраман.

Ватанимизнинг раванки учун ўз хиссамни қўйишга, ёшларни тарбиялаш, маҳалла ободчилиги, тинчлиги йўлида хизмат қилишга доим тайёрган.

Янги асрда республикаимизда тўз ўзгаришлар бўлишига аминман. Халқимиз бахтига муҳтарам Президентимиз ҳамиша омон бўлсинлар.

Янги йил, XXI аср мамлакатимиз учун омадли, зафарли келишига ишонаман.

**Усмон ҳожи ТОЖИЕВ,
Галлаорол тумани Сарибозор қишлоғи,
меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор.**

БОЙ БЕРИЛГАН ФОЙДА

(Боши 1-бетда)

Бу билан гўё қорхона мутасаддиларининг ҳам, қолаверса, ўзининг ҳам йўл қўйган хатосини тўғрилаган бўлади.

Агар "Намангандонмаҳсулот" қорхонаси раҳбарлари шу ўринда ўз хатоларини тан олиб, келишмовчилик баённомасини "чала" шартномага илова тарзида тикиб, уни ўз муддатда бажаришга қиришганларида, олам гулистон эди. Афсуски, бундай бўлмади.

М.Жўраев бир ой бадалиде қорхонага кунда, кунора катнади. "Эрта келин, индин келин"дан бошқа нажот топмаган. "Намангандонмаҳсулот" хиссадорлик уюшмаси раҳбарларига рўбарў бўлади. Ва ниҳоят, 2000 йилнинг 6 июни кунини, пул ўтказилган кундан роса 36 кун ўтчи, 4850 килограмм, яна тўрт кун ўтгач 4300 килограмм омухта емини олиш "шарафига" муяссар бўлди. Лекин, бу "Намангандонмаҳсулот" қорхонаси "Миролимхон" фирмасига бериши лозим бўлган маҳсулотнинг фақат 60 фоизи эди. Шундан кейин М.Жўраев ҳар қанча уринмасин, қолган маҳсулотни олиш учун қилган ҳаракатлари зое кетади. Фирма соҳибни яна "Намангандонмаҳсулот" хиссадорлик уюшмаси раиси Р.Назаров ҳузурига киришга мажбур бўлади.

—Қорхона омухта еми ишлаб чиқаришни тўхтатди. Шунинг учун маҳсулотнинг қолган қисми берилмади, - деди томондан тараша тушгандек қилиб Назаров.

—Ие, бу қанақаси? Пул ўтган бўлса... Ҳамма ҳужжатлари тўғри бўлса? — ажабланди М.Жўраев.

—Берилайми! Тамом-вассалом! — гапни чўрт кесди Назаров. — Бор, қаерга борсанг бор! Ҳе, сени ўша... Эътибор берсангиз, юқори ташкилотларга арыз-шикоятлар бежиз ёзилмади. Худди ана шундай очикдан-очик ноҳақликлар, кишиларга "осмондан келиб" муомалада бўлишлар, баъзида худди ҳозиргидек ҳақоратлар оқибатида қанчадан-қанча қогозалар

"қораланади", кўплаб мутасадди идоралар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларининг қимматли вақтлари "ўғирланади". Ҳақ жойида қарор топгунча эса...

Табиийки, М.Жўраевнинг ҳам бу ошқора тўралик ва қалондимоғлиқдан сабр қосаи тўлади-да, 27 июн кунини вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратурасига мурожаат қилишга мажбур бўлади. Ана шу нуфузли идоралар аралашгачина, 2000 йилнинг 11 июл кунини қолган 6325 килограмм омухта емини олишга муваффақ бўлди.

Бошқа одам бўлганда, балки, "Ем олинди, шунингча ҳам шукур" деб кетаверган бўларди. Аммо, М.Жўраев вилоят хўжалик судига даъво аризасини ташлайди. Аризанда "Намангандонмаҳсулот" томонидан шартнома мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаганлиги оқибатида "Миролимхон" фирмаси чорвачилик хўжалигида боқилаётган 36 бош йорик шохли қорамол ва 20 бош қўй еми бўлмаганлиги учун бизнес режасида белгиланган маҳсулдорлиқни бермай, фирма 987840 сўмлик олиниши керак бўлган даромадни ололмади қолгани, омухта еми учун "Ўйбойжамғармабанк" нинг вилоят бўлимига тўланган кредит фойдасини ва суд ҳаражатларини фирма хисобига "Намангандонмаҳсулот" қорхонасидан ундириб берилиши сўралган эди.

Наманган вилоти Хўжалик суди судья Мўминжон Асранбоев раислигида бу даъво аризасини кўриб чиқиб, 2000 йилнинг 14 ноябрида ўзининг ҳал қилув қарорини чиқарди. Унда вилоят Хўжалик суди томонидан тўзилган мутахассислардан иборат эксперт гуруҳи ҳулосасига кўра, даъвогар 15 тонна емини ўз вақтида олган тақдирда қанча микдорда фойда олиш мумкинлиги ўрганилиб, жавобгар даъвогарга 229117 сўм бой бериладиган фойдани тулаш лозимлиги айтилади. Хўжалик суди кредит фойзалари хисобига 13067 сўм етказилган зарарни ундиришга оид талабни асосий, деб топти. Бой-

си, даъвогар хисоб рақамида кредит фойзини тўлашга етарли маблағ бўлган. Шунингдек, суд томонлар ўртасида шартнома тўзилган деб хисоблашга ҳуқуқий асосининг ўзи мажбул эмаслигини назарда тутиб, даъвогарнинг 93531 сўм маблағини маҳсулот етказиб бериш кечиктирилгани учун процессуал кодексининг 95-моддасига биноан жавобгар даъвогарнинг 2000 йил 1 июлдаги 1/25-сонли "Баённомаси"га ёзма равишда жавоб бериш, шартнома шартларини келиши чораларини кўрмагани, қонун талабларини бажармагани оқибатида унинг айби билан даъво судга келирилгани учун барча суд ҳаражатларини жавобгарнинг зиммасига юкледи.

"Намангандонмаҳсулот" хиссадорлик уюшмаси томонидан йўл қўйилган қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан хусусий ажрим чиқарилди.

Ш

ҚАРЗ УЗИЛДИ, ФЕРМА ЁНГА ҚОЛДИ

(Боши 1-бетда)

Ишхонамга хуш кайфият билан бир йилги кириб келди. Дарҳол танидим. У - 1,5 йил мuddатга 20 фоизли устамашарти билан 600 минг сўм қарз олган Раҳимбой Латипов эди.

Қарашимдан у маъно ўқи шекилли, ўзи гап бошлади.

— Олган қарзларимни шар

тлашилган устамаси билан топширдим. Ишларим юришиб кетди. Жамоангизга миннатдорчилик билдирай деб келган эдим. Раҳмат сизларга.

Миямга дарҳол бир фикр келди: Мижозларимиз қанчалик ишининг кўзини билдирган, бакуват бўлса ишимиз шуналик самарали бўларкан. Шунинг учун кредит олмакчи бўлган кишиларнинг "бизнес режаси" билан яхшилаб танишамиз. Имкониятларини ўрганамиз. Кейин шарт-шароитига қараб, пул берамиз. Худого шукр, мижозларимиз орасида "синганлари" бўлмади.

Мақтанишга йўйманг-у хонқаликлар ўта меҳнаткаш, очик кўнгли, ўз ишининг усталари ҳисобланмади. Ҳазил-хузулда габлироликлардан қилишмайди. Яна бир мисол: Ровияжон Олимова - олий маълумотли дорихона. Тадбиркор ҳам. У доридармонлар ишлаб чиқариш учун асбоб ускуналар сотиб олиш мақсадида 4,5 миллион сўм кредит сўраб ариза берди. Унга ишондик. 2000 йилнинг 10 апрелида талаби қондирилди. Қурилиш ишлари жадал суръатда бошланиб кетди. Янги дорихона биносидан ноябр ойининг бошида фойдалана бошланди. Кўп кишига ош тортилд. Отаҳонлар оқ фотиҳага кўл очдилар. Ҳозир бу ерда 10 нафар киши меҳнат қилмоқда. Аҳоли зарур дори-дармонлар билан таъминланаяпти. Шу кунларда эса улар 10 турдаги дорини қорхонада ишлаб чиқариш тараддулида. Ажратилган пулимиздан элимиз манфаатдор. Улар дори излаб, узокқа боришмайди. Айни пайтда "Ровия" хусусий қорхонаси банкимизга ойига 1 миллион сўмдан ошириб пул топширмоқда.

Ал-Хоразмий номли ширкат ҳўжалигида яшовчи Отаҳон Матқубов ҳам биздан кредит олиб, фермер ҳўжалигига асос солди.

Булардан ташқари, 21 нафар деҳқон ҳўжалиги эгаларига талаб қилинган 20 миллион сўмни ажратди. Натижасини текшириб кўрганимизда, улар 120 бошдан зиёд қорамол, бир неча буюк, қўй-қўзи ва парранда сотиб олиб, боқатганларига ишонч ҳосил қилди.

Шу кунларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳам муҳим масалалардан

биридир. Шунинг ҳисобига олиб, ўтган йилда ўрта, кичик, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида 32 субъектга 36 миллион сўм кредит ажратганимиз натижасида 93 нафар киши иш ўрнига эга бўлди. Буларнинг барчаси банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан берилди. Шунинг 14 миллиони имтиёзли қарзлардир.

Фаолиятимиз негизда кишилар манфаатдорлиги ётади. Энг зарур соҳаларга кредит ажратганимиз, аҳоли биринчи навбатда арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаётганлиги туфайли нақд пул тушури яхшиланди.

Сизнинг саволларингиз асосида аҳолига берилган кредитлар ҳақида тўхталдим. Бир-икки оғиз ўтган йилда амалга оширган бошқа ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтсам.

Ўтган йил режадаги 1 миллиард 262 миллион ўрнига 1 миллиард 432 миллион сўм нақд пул банкимизга кирим қилинди. Натижада, эмиссия кўрсаткичлари режага нисбатан камайди. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларга 217495 минг сўмлик қисқа мuddатли, 68416 минг сўмлик узок мuddатли кредитлар берилди. Уларнинг дебитор ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида 30 миллион сўмлик фактор операциялари амалга оширилди. 150 миллион сўмлик схемалар тузилиб, кредитлар берилди. Унинг икtisодий самарадорлиги эса 600 миллион сўмни ташкил қилади. Банкимизнинг 53 миллион сўмлик акцияларини сотиб олган 83 юридик ва jisмоний шахс йилига 30 фоиздан кам бўлмаган дивидендлар олиб келмоқда.

Ишдаги муваффақиятларимиз барча ходимларимиз ўз ишларига масъулият билан ёндашаётгани самарасидир. Муваффақиятларимиз Сапарбой Қодиров, Мухиддин Сетимбетов, Адолат Ҳайитова, Равшан Қодировлар олдиндан мижозлар хурсанд ҳолда қайтадилар. Шунинг учун улар сони ой сайин ошиб бормоқда.

Келаётган фойданинг бир қисмини ободончилик ишларига сарфлаялмиш. Ту

ман марказида ташландик ҳолда ётган ерни текислаб истироҳат боғига айлантирдик. Бу боғ туман аҳолисининг ҳордиқ чикарайдиган масканга айланди.

Хулоса қилиб айтганим бўлса, бир қадар муваффақиятга эришган бўлсак-да, бу ҳали бизни қониқтирмайди. Негаки, Президентимиз банк тизими соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ғам-хўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Бошланган иктisодий ислохотларнинг амалга ошиши бизнинг фаолиятимизга боғлиқ экан, бор куч ва имкониятимиз билан "Халқимиз дардида дармон бўлиш" йўлида хизмат қилаверамиз.

Сухбатдош:
Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.



Термиз туманидаги "Дўстлик" ширкатида жойлашган "Эргаш полвон" фермер ҳўжалигида 800 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 360 боши соғин сигирлардир. Ҳар бир сигирдан кўнига ўртача 8-10 килограммдан сер-қаймоқ сут соғиб олинапти.

СУРАТДА: фермер ҳўжалиги ҳаётидан лавҳалар.

Раҳмонали Абкаралиев олган сурат.

ЁШЛАР ИШ ТОПИШДИ

Денов тумани ҳокимлиги, туманлараро прокуратураси, меҳнат билан бандлик бўлими ташаббуси билан меҳнат бозори ярмаркаси ташкил этилди.

Меҳнат бозори ярмаркасига тумандаги барча қорхона, ташкилот, муассаса, ҳўжаликлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, ҳудудий нозирлар иштирок этишди.

Ярмаркада ишсиз ёшлар, ишламасдан юрганлар, ҳеч қаерда ўқимайдиганлар паша ва турар жойларига яқин бўлган ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Албатта, иш тайин қилингунга қадар ҳар бир ўғил-қиздан нега бирон жойда ишламаётганлиги ёхуд ўқимаётганлиги, қачон, қаерга иш сўраб мурожаат қилганлиги ҳам батафсил суриштириб кўрилди. Аниқроқ айтганда, у ёки бу ёшнинг ишсизлиги сабаблари аниқланди. Шунингдек, ишсиз ёшларнинг ота-оналаридан ҳам маслаҳат сўралди, уларнинг ҳам фикри, мулоҳазалари тингланди.

Шу кунги уч юз нафардан ошдик йигит-қиз ўзларига муносиб иш билан таъминланди. Дарове, иш билан таъминланганларнинг ўттиз фоизи қизлар эди.

"Туркистон-пресс"

РАҚОБАТНИНГ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Кейинги икки-уч йил ичида Самарқанд шаҳрида ва туманлараро йўналишларда "Дамас", "Тико" русумли машиналар хизмат кўрсатмоқда.

Бу бир жихатдан одамларга қулайлик туғдирди. Негаки, йўловчилар кўп қутишмайди. Истаган вақтида хоҳлаган манзилга оғлашиб, зарур ишларини битирадилар. Яна бир жихатдан эса айрим аҳолиларга бироз ташвиш ҳам туғдирди. Чунки, ҳамма ҳам "Тико", "Дамас", "Нек-сия" да юргиси келадими, лекин, барчанинг чўнтаги бунга қўлламайди-да.

Бундай пайтда, албатта, баъзи йўловчилар "кўрпасига қараб, оёқ узатиб" автобусларда манзилга боришни хўш кўришади. Афсуски, турли йўналишларда шахсий енгил

автомашиналарнинг қўлайлиги автобусларни "сикиб" чиқарган эди. Бунга биринчидан "Тико", "Дамас" русумли машиналарнинг ихчамлиги, қулайлиги сабабчи бўлса, иккинчидан автобусларнинг эскирилганлиги, замон талабига жавоб бермаслиги ҳам йўловчиларни ўзи-

дан узоклаштирган эди. Шундай қилиб, шахсий транспорт эгалари Самарқанд шаҳрининг барча йўналишларида, ҳатто, туманлараро қўлгана йўналишларида "яккаҳўжрон"га айланишди. "Самкочавто" қўша қорхонасида тайёрланган 40 та янги автобус шахсий йўловчилар хизмати-га чиқарилди. "Технософт" фирмаси республика "Саноатқурилишбанк"-

дан ажратилган кредит асосида ушбу қулай автобусларни сотиб олиб, шаҳардаги 3, 6, 10, 21-йўналишларда катнашини таъминлади. Шундай қилиб, автобуслар ва шахсий микро-автобуслар ўртасида яна рақобат юзага келди.

Яқин-яқинда шаҳар ичида бир йўловчидан шахсий автомашиналарда 70 сўм миқдоридан йўлқира ҳақ олинадиган. "Самкочавто" автобусларида эса бу нарх 40 сўм қилиб белгилангани боис, "Дамас" ва бошқа турдаги шахсий автомашина эгалари йўлқира ҳақини 50 сўмга туширишга мажбур бўлишди.

Йўловчилар эса рақобат юзага келиб, йўлқира арзонлашганидан хурсанд бўлишмоқда.

М.ЗИЁДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ЗАМОН

САНАЦИЯ: ЯКУНЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

ни бажаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича жойларда жиддий муаммолар мавжуд бўлиб қолаверди, ташқи бошқарувчиларнинг фаолиятига бежавид аралашиб, ваколатларини чеклаш, давлат бюрократизми билан боғлиқ бўлмаган иктisодий кўрсаткичларни юқоридан белгилаш давом этди.

Олдинги йилларда йўл қўйилган ҳаттоларини тақорламаслик учун эндиликда туманлар ҳокимликлари ташқи бошқарувчи номзодини танлашда унга қўйилмаган талабларга алоҳида эътибор беришлари лозим. Ташқи бошқарувчи, энг аввало, ўзига қўйилган вазифани тўлақонли бажариш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу вазифаларнинг моҳияти шундаки, у ўзига берилган барча ваколатларни ишга солиб, санация давомида иктisодий нозор аҳволдаги ҳўжаликнинг молиявий ва йўловчанлик қобилиятини тиклаши ҳамда унинг иктisодий барқарорлигини таъминлашга эришиши керак.

Бу ўта мураккаб вазифадир. Шунинг учун ҳам ташқи бошқарувчига қонунчилик асосида кенг ваколатлар берилди. Асосий масала шу ваколатларни бажаришга қодир номзодни танлаб олиш ва уни етарли даражада тайёрлашдир. Афсуски, жойлардаги баъзи раҳбарлар бу масъулиятни тўла ҳис этмаётгани, натижада, айрим ҳолларда ташқи бошқарувчиликка савияси паст, етарли касб маҳорати ва ташқи иктisодий қобилиятига эга бўлмаган номзодлар кўрсатилмоқда ва тайинланмоқда.

Шу ўринда туман ҳокимларига ташқи бошқарувчи номзодини танлашда фақат туман ҳудуди билан чекланиб қолмасликини, балки, танлов ҳудудини иложи борича кенг олиш, бошқа туманлар ва вилоятлардан, ҳатто, республикадан юқори тажрибали ва малакага эга бўлган муваффақиятли ташқи бошқарувчиликка кенг жалб қилишни тавсия қилган бўлар эдик. Бунинг учун номзодни аниқлашда матбуотда ва жамоатчилик ўртасида кенг танлов эълон қилиш, номзодларнинг ҳўжаликни санация қилиш режалари конкурсини уюштириш каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Ҳўжаликларнинг санация қилиниш эҳтимолини уларнинг иктisодий кўрсаткичлари таҳмини асосида йилнинг ўртасидаёқ аниқлаш мумкин. Шунинг ҳисобига олиб, ҳар бир вилоятда ташқи бошқарувчилар заҳирасини ташкил этиш, уларни олдиндан махсус дастурлар асоси-

да ўқитиб, ҳукуват комиссиясининг ҳўжаликларни санация қилиш ҳақидаги ҳулосаси бўлгунга қадар етарли тайёрларлик кўриб қўйиш вақти эди, деб ҳисоблаймиз.

Ташқи бошқарувчи номзодини танлаш билан бирга ҳўжаликка иктisодиёт, ҳисоб-китоб ва агротехника бўйича саноҳиятчи мутахассисларни жалб қилиш ҳам санация мақсадида эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, аксар ҳўжаликларда бунга эътибор берилмади, ҳўжаликни иктisодий нозор аҳволга келтириб қўйган мутахассислар гуруҳи эса эски ҳолда ишни давом эттирди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, санация ҳўжаликларига маркетинг ёки меҳнат ҳисоби бўйича мутахассислар айтирилиши ишга жалб қилинмаган, шу сабаб ҳўжаликлар фаолиятининг бў йўналишларида деярли ўзгариш сезилмапти.

Санация ҳўжалик фаолиятини янгилаш таъминоти асосида бутунлай қайта ташкил этишни тақозо этади, санация қонунининг талаби ҳам баъйиана шундай. Бунинг учун, энг аввало, барча ходимларнинг савиясини санация талаблари даражасига кўтариш, уларнинг малакасини оммавий равишда ошириш эришиш лозим. Бу ташқарида янги мутахассислар жалб этиш билан бирга ҳўжаликдаги барча ходимлар малакасини оширишни илчил йўлга қўйишни тақозо этади. Бу борада ташқи бошқарувчилар, бош иктisодий ва ҳисобчиликнинг қисқа мuddатли курсларга жалб қилиш тажрибаси мавжуд, аммо, қўйи қисм ходимлари, айниқса, оддий ҳисобчилар, техник ходимлар, пудратчилар, деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари малакасини ошириш етарли йўлга қўйилмаган. Шу сабаб санация ҳўжаликларининг салмоқли қисмида ички ҳўжалик механизми, оила пудрати, чек тизими, ҳисоб марказлари иш талабига жавоб бермайди. Оқибатда санация имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

БИЗНЕС-РЕЖА ТУЗИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Ҳўжаликларни санация қилишнинг уч йиллик мuddати давомида сифатли бизнес-режа тузиш ва унинг ижросини таъминлаш етарли эътибор бериш санация муваффақиятининг энг муҳим шартларидан бири эканлиги тасдиқланди. Санация мақсадида эришишни таъминловчи барча иктisодий, ташкилий ва агротехник тадбирларни қатъий лойиҳалаштиришни ўзидан акс эттирган бизнес-режани тузиш ва унинг амалиёти бўйича етарли тажриба тўпладан, режа тузишнинг меъёрий асослари тақомиллаштирилди.

Шу билан бирга ҳўжаликларни санация қилишни режалаштириш ва ишлаб чиқилган режаларни бажаришда жиддий камчиликлар мавжуд. Бу, энг аввало, режалаштиришнинг аҳамиятини тўла тушуниб етмаслик, режа кўрсаткичларига

амал қилмаслик, режа тузишда молиявий бар-қарорлиқни белгилловчи маҳсулотлар баҳоси, фойда миқдори, ижара тўловлари, ҳосилдорлик каби иктisодий кўрсаткичларни сунъий равишда камайтириб олиш, ҳаражатларни эса асосий ошириб кўрсатиш ҳолларида намоён бўлмоқда. Режа тузувчи бўйича ички ҳўжаликда ўтган йиллар молия-ҳўжалик фаолияти таҳлилига, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга эътибор бермайдилар, санация даврида амалга оширилмаган тадбирлар юзаси тузилиб, уларда молиявий барқарорлиқни таъминлаш бўйича ички имкониятларни тўла ишга солиш етарли ҳисобга олинмапти. Албатта, бундай камчиликлар билан тузилган режалар санация муваффақиятини таъминлай олмайди.

Шу кунларда 2001 йилдан санация қилинган ҳўжаликлар томонидан бизнес-режаларни тузиш, санация мuddати давомида эътибор қўйилган иктisодий бизнес-режаларини эса ҳисобот йилида кўрсаткичлари асосида қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун махсус услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилди. Бизнес-режанинг сифатли тузилишини таъминлаш учун қўйидаги таъминотларга амал қилишни ўта муҳим деб ҳисоблаймиз:

режада белгиланган кўрсаткичлар санация мақсадини тўла амалга ошириш учун етарли бўлмоғи, яъни кўрсаткичлар ҳўжаликни иктisодий нозор аҳволдан чиқиб олиши ва санациядан сўнг эркин ҳўжалик фаолияти олиб боришни таъминлаш даражада белгиланиши;

ҳўжаликнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда барча ички ва ташқи имкониятларни тўла ишга солиш қўзда тутилган бўлиши;

режа тузишга ижодий ва билимдонлик билан ёндашиш, кўрсаткичларни маърифий меъёrlар асосида ҳисоблаш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил қилишнинг илгор усулларини кенг қўлланилишини қўзда тутиш лозим.

Режа тузишга ташқарида етук мутахассислар ва илмий маслаҳатчилар жалб этилишига эътибор бериш муҳимдир. Афсуски, бу борада айтарли силжиш йўқ. Бизнес-режалар асосан ўша эски ҳўжаликни иктisодий нозор ҳолга олиб келган мутахассислар иштирокида ишлаб чиқилмоқда, шу сабаб уларнинг сифати кўп ҳолларда талабга жавоб бермапти.

Санация мақсадида ҳўжалик фаолиятини фақат фан-техника ютуқлари ва илгор тажрибалардан фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин, чунки, санациянинг маъмурий шун тақозо қилади. Аммо, бу масалага бизнес-

режаларда етарли аҳамият берилма-япти. Аксар ҳолларда бизнес-режаларда янги технология жараёнларни қўллаш қўзда тутилмайди, режалаштирилганлари ҳам ҳаётга тадбиқ этилмай қолмоқда. Тадбирларни ташкилий ва молиявий жихатдан таъминлаш меҳанизми етарли ишлаб чиқилмайди. Бизнес-режаларда "меҳнат унмодорлиги", "маблаглар самарадорлиги" каби сўнгги пайтда негадир унутиб қўйилмаётган таъминотларга алоҳида ўрин берилиши лозим. Шу аснода таъкидлаш лозимки, ҳар бир санация ҳўжалиги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илгор йўналишларини, маърифий меъёrlарни тадбиқ қилиш учун синон майдонига айланиш керак. Чунки, бу ҳўжаликлар учун яратилмаган имтиёзли муҳит бунга тўла имкон беради.

Санация режасини амалга оширишда ҳўжаликларнинг айланма маблаглар билан таъминланишини йўлга қўйиш, шу мақсадда уларни кредит-лаш меҳанизмининг тақомиллаштириш тижорат банклари олдида турган муҳим вазифалардандир. Аммо, мавжуд тартибга мувофиқ тижорат банклари иктisодий нозор ҳўжаликларга кредит беришдан ўзини эҳтиёт қилмоқда, айланма маблагсиз эса санация тадбирларининг асосий қисmini бажариб бўлмайди.

Биз юқориди санация механизминини қўллаш уч йиллик тажрибаси бўйича айрим ҳулосаларини келтирдик. Бу борада яна шун таъкидлаш лозимки, уч йиллик тажриба мобайнида бу меҳанизминини қўллашга ҳар бир ҳўжалик хусусиятларини, маҳаллий ҳамда ички имкониятларни чуқур ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш нукта-назаридан ёндашмоқ кераклиги, яъни санация механизмининг барча ҳўжаликлар учун бирдай мос келадиган андоза шаклида эмаслиги, уни қўллашга ижодий ёндашлишнинг зарурлиги, шу билан бирга санациянинг қонуний-меъёрий асосини бозор ислотларининг ўзгариб бораётган шароитида вужудга келаётган мавжуд ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда узлуқсиз тақомиллаштириб бориш лозимлиги тасдиқланмоқда.

Зеро, чуқурлашиб бораётган аграр ислотларнинг ҳозирги шароитида ҳўжаликларни санация йўли билан ишлаб чиқариш ва молиявий соғломлаштиришнинг бундан кейин ҳам зарур бўлиб қолаётганлиги санация қилиш меҳанизминини қўллаш қўламини кенгайтиришни, санациянинг янги-на турлари ва йўналишларини ҳаётга жорий қилиш тақозо этмоқда.

Тоҳиржон ИМИНОВ,
Иктisодий нозор қорхоналар ишлари қўмитаси бўлим бошлиғи, иктisод фанлари доктори.

ЕТТИ ИКЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ЯНГИ РЕЖА

Жанубий Корея 2005 йилгача Чалла-Намдо вилояти-да космик марказ қуришни режалаштирмоқда.

Мазкур режа ҳақида "АКЭНДМ" ахборот берар экан, уни амалга ошириш учун ҳукуват 130 млрд. вон (104 миллион доллар) маблаг ажратиши лозимлигини билдирди. Фан ва техника вазирлигининг таҳминича, агар мақсадга эришилганидан бўлса, Жанубий Корея 2015 йилга қадар 9 та сунъий йўлдошни учиради ва натижада, фазо соҳасида дунёда етакчи бўлган 10 давлат қаторидан жой олади.

ПРЕЗИДЕНТ ЖОЙИНИ БЎШАТИШНИ ХОҲЛАМАЯПТИ

Индонезия президенти Абдурахмон Воҳид парламент ҳамда мамлакат аҳолисининг маълум бир қисми томонидан икки йиллик молиявий жиноятга алоқадорлиқда айбланаётганлигига қарамасдан, ўз вазифасидан кетмаслигини билдирди. Унинг фикрича, 2004 йилда президентлик ваколати тугаган тақдирдагина ҳокимият тепасидан кетиши мумкин.

РАҲМДИЛ КАШМИРЛИКЛАР

Сринагардаги Жамму ва Кашмир озодлик Фронти бош биносида Ҳиндистондаги зилзила туфайли жабр кўрганларга қон беришни хоҳловчиларни тўпландилар. Уларнинг аксариятини мазкур Фронт вакиллари ташкил этди.

"Сўнгги 11 йил ичида биз кўп бор ўлим билан тўқнаш келдик. Оғир аҳволда қолган инсонларнинг аҳолини яхши тушунамиз. Қолаверса, ҳинд халқи билан эмас, балки уларнинг ҳукумати билан низолашмоқдамиз", - дея жавоб берди ЖОҚ раҳбари Жавид Мир "Рейтер" агентлигига берган интервьюсида.

АННАН ХАВОТИРДА

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Колумбия ҳукуматини ва Революцион қуроли қучлар қўзғолончиларини тинчлик музокаралари ўтказишга қачирди.

БМТ вакили Фред Экхартнинг фикрича, Бош қотиб Колумбияда инсон ҳуқуқларига амал қилинмаётганлигидан хавотирда. Агар мамлакатда оқсийшталик ўрнатилмаса, у ҳолда аҳвол тобора ёмонлашаверади.

"ЎЙИ ҚУЙГАН" САРТАРОШЛАР

Толибонлар яна ўзига хос "хислат"ларининг яна бирини намоён этдилар.

Сўнгги пайтларда XX аср охирида энг кўп "Нобель" мукофотини олган машҳур "Титаник" фильмининг бош қаҳрамони, Леонардо ди Каприонинг соч турмаклаши афрон ёшлари орасида модага айлан-ди. Ўз навбатида, бу ҳол толибон ҳаракати томонидан гўё гайриис-ломий маданият ҳисобланиб, жамият ҳаётига хавф туғдирмоқда, дея баҳоладан ва 30 га яқин сартарош ҳисбага олинди.

Галдаги таъқиқ тўғрисида урғанган ҳамкасбларининг аҳолини эши-тиб, бошқа сартарошлар ҳам ишларидан воз кечдилар, деб ёздаи "Си-Эн-Эн" агентлиги.

МУАЛЛИФ СУДЛАНМОҚДА

Туркияда Курд муҳофизоти раҳбари Абдулла Ожаланнинг нашр этган китоби устидан суд жараёни бошланди.

Ожалан мамлакатда ички низоларни тарғибот қилишда айблан-моқда. "Биз қандай яшашимиз керак" номли ушбу рисола муаллиф Истамбул яқинидаги қамоқхонада ўтирган кезларида ёзилган. "ИТАР-ТАСС" агентлигининг хабарича, унда асосан "Курдистон" ҳақида гап боради.

"ОСТАНКИНО"ТА ЭЪТИЁЖ ҚОЛМАЙДИ

Яқин вақт ичида "Останкино" телеминорасидан на-мойиш этилаётган кўрсатувлар "Москва-Сити" мажмуи-га ўтказилиши мумкин.

Чунки, деб ёздаи "Газета Ру", янги барпо этилаётган мазкур мажмуанинг бош биноси "Останкино" минорасидан қарийб 100 метр баланд. Шунингдек, "Москва-Сити" га кўрсатувлар узатиш борасида энг илгор бўлган телестанциялар ўтказилди. Бироқ, қўшиқнинг қачон амалга оширилиши ҳозирча номаълум.</

